

Саудия Арабистони ҳаж мавсумига тайёргарлик кўряпти



05:30 / 30.06.2021 1837

Ҳаж ва Умра вазирлигининг маълум қилишича, бу йилги Ҳаж зиёратига танланган барча 60 минг киши икки дозадан коронавирусга қарши эмланиши керак.

«Ҳажга рухсатнома барча процедуралар бажарилгандан сўнг берилганда, икки дозали эмланиш курсини қабул қилмаган шахс коронавирусга қарши эмланиш марказларидан бирига ташриф буюриши керак бўлади», дейилади вазирлик хабарида.

Саудия Арабистони Ҳаж ва Умра вазирлиги чоршанба куни белгиланган муддатгача 558,270 та ариза қабул қилинганлигини маълум қилди. 13 июнь куни аризалар қабул қилинган пайтдан бошлаб 24 соат ичида 450 мингдан ортиқ одам ариза топширган. Вазирликнинг билдиришича, аризаларнинг 41 фоизи аёллардан келиб тушган.

Зиёратчилар тўлиқ эмланишлари, сафарга боришдан камида 14 кун олдин битта дозани олишлари ёки коронавирус инфекциясидан сўнг касаллика қарши эмланишлари лозим.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакилининг айтишича, эмлашдан сўнг ҳеч ким коронавирус касаллигидан вафот этмаган.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси